Сингапур олимлари аралаш пластикни эритувчиларсиз қайта ишлаш технологиясини яратди

// 10 iyul 2026 йил
https://pda.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/singapur-olimlari-aralash-plastikni-erituvchilarsiz-qayta-is



Сингапурлик олимлар эритувчилардан фойдаланмаган ҳолда кўп қатламли пластик қадоқларни қайта ишлаш технологиясини ишлаб чиқди. DIPS (Depolymerization-Induced Polymer Separation) деб номланган мазкур жараён ҳақида Recycling International ихтисослашган нашри хабар берди.

Технология муаллифларининг таъкидлашича, DIPS узлуксиз икки шнекли реактив экструзия тизимига асосланган бўлиб, глицерин иштирокида пластикнинг бир турини танлаб парчалайди, иккинчи турини эса ўзгаришсиз сақлаб қолади. Полиэтилентерефталат (ПЭТ) ва полипропилен (ПП)дан тайёрланган кўп қатламли қадоқларни қайта ишлаш жараёнида ПЭТ глицерин билан реакцияга киришиб, табиий равишда ППдан ажралиб чиқади. Кимёвий қайта ишлашнинг аксарият

бошқа технологияларидан фарқли ўлароқ, мазкур тизим хона ҳароратида ишлайди.

Лаборатория синовлари натижаларига кўра, қайта тикланган ПП ўзининг дастлабки чўзилишга чидамлилик хусусиятининг 90 фоизгачасини сақлаб қолган. Ҳозирги вақтда бундай материалдан тўғридан-тўғри қадоқлаш маҳсулотлари ишлаб чиқаришда фойдаланиш имкони мавжуд эмас, бироқ у бошқа кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқаришда хомашё сифатида қўлланилиши мумкин.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, келгусида DIPS технологиясини аралаш пластикларнинг бошқа турли комбинацияларига ҳам мослаштириш мумкин. Айни пайтда ишланма муаллифлари технологияни саноат миқёсида синовдан ўтказиш учун ишлаб чиқариш корхоналари орасидан ҳамкорлар изламоқда.